# ИНСОН ва ҚОНУН

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz | 2016 йил 1 ноябрь • сешанба № 43 (1039)

4 декабрь — сайлов куни!

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

2016 ЙИЛ 28 октябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Сарвар Садуллаевич Отамуратов, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Шавкат Миромонович Мирзиёев, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ҳатамжон Абдурахмонович Кетмонов, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Наримон Маджитович Умаров Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар этиб рўйхатга олинди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан уларнинг сайловолди ташвиқоти бошланади. Шу муносабат билан мажлисда сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ масала кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Шу куннинг ўзида Марказий сайлов комиссиясининг бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олиш ҳамда комиссия ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Марказий сайлов комиссияси томонидан мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун онлайн режимида брифинг ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов тадбир иштирокчиларини Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарликнинг бориши ҳақида хабардор қилди.

Сайлов кампанияси мамлакатимиз қонунчилиги ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Асосий тадбирлар дастурига тўла мувофиқ ҳолда амалга оширилаётгани таъкидланди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 28-моддасига асосан сайловолди ташвиқоти Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олинган кундан бошланади.

Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга оммавий ахборот воситаларидан Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда тенг фойдаланиш ҳуқуқи берилади ва таъминланади.

Жумладан, сиёсий партиялардан келиб тушган таклиф ва истакларни инобатга олиб, ҳар бир номзодга ўз сайловолди дастурларини аҳолига етказиш учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Ўзбекистон" ва "Ёшлар" теле- ва радиоканалларида 638 дақиқадан, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 12 та ҳудудий телеканалларида 206 дақиқа, "Тошкент" телерадиоканалида 286 дақиқадан бепул эфир вақти ажратилади.

"Халқ сўзи", "Народное слово" ва "Правда Востока" газеталарида 6 саҳифадан, "Нурлы жол" ва "Овози тожик" газеталарида 5 саҳифадан иборат нашр майдони бепул берилади. Бундан ташқари, ҳудудлардаги 30 та маҳаллий газетада ҳар бир номзод учун 55,5 саҳифа нашр майдони бепул тақдим қилинади.

Шунингдек, номзодларнинг ҳар бири республикамиз бўйича 642 тадан ташқи реклама воситаси — махсус конструкциялар, экранлар, биллбордлардан ўз дастурий ғоя ва мақсадларини тарғиб қилишда фойдаланади. Мамлакатимизнинг 36 та электрон мониторида ҳам номзодларнинг ташвиқот роликларини бепул жойлаштириш имконияти яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқоти материалларининг турлари, шакллари, услублари ва мазмунини мустақил белгилайди.

Таъкидлаш жоизки, сайловолди ташвиқоти даврида тенг шарт-шароитлар яратиш тамойили партия нашрларига нисбатан татбиқ этилмайди. Улар тегишли материалларни исталган ҳажмда чоп этишлари мумкин.

Брифингда сайловга тайёргарлик ишлари ҳақида ҳам фикр юритилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш учун 9 минг 378, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг хорижий ваколатхоналари ҳузурида 44 сайлов участкаси тузилди. Сайлов участкалари зарур алоқа воситалари, компьютер ва ташкилий техника, ҳуқуқий адабиётлар билан таъминланган. Махсус белгиланган жойларда яширин овоз бериш учун сайлов кабиналари, сайлов қутилари ўрнатилган.

Округ сайлов комиссиялари томонидан участка сайлов комиссиялари таркиблари шакллантирилиб, уларнинг фаолиятига 98 мингдан зиёд киши жалб қилинган. Комиссия аъзоларининг 69 фоизи илгари сайлов комиссияларининг фаолиятида бевосита иштирок этган ва муайян тажрибага эга фуқаролардир. Участка сайлов комиссиялари таркибида хотин-қизлар сони 47,4 фоизни ташкил этади. Участка сайлов комиссиялари раисларининг 26,7 фоизи хотин-қизлардир.

Брифингда сайлов кампаниясининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш масалаларига, оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга тааллуқли ахборотдан фойдаланишлари учун барча шароитни яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги таъкидланди. Ҳозирга қадар Марказий сайлов комиссияси томонидан маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 500 дан ортиқ вакили, округ сайлов комиссиялари томонидан қарийб 560 нафар маҳаллий журналист аккредитациядан ўтказилди.

**ЎзА**

Шукроналик

## Сенга кўз тегмасин, Она Ватаним!

### Мактабдан келаётган фарзандларимизни кўриб дилимдан кечганлари...

**— НЕГА аждодларимиз асрлар давомида ёвга қарши жон олиб, жон бердилар?**
**— Ватан учун!**
**— Нега улар ғурурини, ориятини ўртага қўйиб, ғалаба ёки мусибат келтириши мумкин бўлган ҳар қандай қурбонликка тайёр турганлар?**
**— Мустақиллик учун!**
**— Нега бунчалар эрки, ўз ҳақ-ҳуқуқи топталишига қарши курашдилар?**
**— Адолат учун!**

3



Минбар



## Тадбиркорга қанот, тараққиётга йўл

**— МАЪЛУМКИ, тадбиркорлик фаолияти аҳоли фаровонлиги ва даромадларини ошириш муаммоларини ҳал этишнинг ва шу орқали мамлакат тараққиётига эришишнинг бирдан-бир йўлидир. Бинобарин, истиқлолимизнинг ўтган чорак асри мобайнида ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эса бу борада яна бир дадил қадам бўлди. Бошқача айтганда, мазкур Фармон тадбиркорларимизга қанот бериб, тараққиётимизга янада кенг йўл очди.**

**Фармонга мувофиқ киритилган муҳим янгилик бу — 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб юридик шахснинг тугатилиши билан боғлиқ текширишлар, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида фақатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарорига мувофиқ ўтказиладиган қисқа муддатли текширишларни истисно этган ҳолда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари текширишлар ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан, жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилинди. Албатта, мазкур қоида пухта ўйлаб жорий қилинган. Негаки ўз фаолиятини ривожлантириш учун тадбиркорга, энг аввало, эркинлик керак. Ортиқча текширишлар эса унинг қимматли вақтини ўғирлаб, иш самарадорлигига путур етказади.**

3

Фармонга муносабат

## Суд ҳокимияти чинакам мустақил бўлади

### Тизим бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланди

**МУСТАҚИЛЛИК йилларида мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ соҳаси ислоҳ этилиб, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устунлигига асосланган ҳуқуқий тизим шаклланди.**

Конституциямизда судларнинг мустақиллигини кафолатловчи нормалар мустаҳкамлаб қўйилди. Суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқариш имконини берувчи **"Судлар тўғрисида"**ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди, шунингдек, бу даврда жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал қонунчилигига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Судьялик лавозимига номзодларни тақдим этиш, судьяларнинг ваколатини тўхтатиш ва муддатидан олдин тугатиш, уларга нисбатан интизомий иш юритувни қўзғатиш вазифалари Адлия вазирлиги ваколатидан чиқарилди.

Умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди.

Айнан ушбу даврда кассация инстанцияси ислоҳ қилиниб, суд ишларини қайта кўришнинг апелляция тартиби жорий этилди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти томонидан қабул қилинган **"Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги, **"Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"**ги ҳамда **"Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги фармонлари суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимиятининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва аҳамиятини оширишга замин яратди.

Бироқ замонавий талаблар асосида мамлакатимизни ривожлантириш ва ривожланишнинг стратегик устувор вазифалари ҳозирги кунда бошқа соҳаларда бўлаётгани каби суд-ҳуқуқ тизимини ҳам янада ислоҳ қилишни, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришни тақозо этмоқда эди. Шу маънода 2016 йил 21 октябрдаги **"Суд ҳуқуқ тизмини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони мазкур соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилиб, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини ҳамда аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш каби мақсадларни назарда тутади.

Мазкур Фармоннинг ўзига хос жиҳати ва зарурати қуйидагиларда намоён бўлади:

**Биринчидан**, мазкур Фармонда суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари белгилаб берилди. Унга кўра, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда одил судловга эришиш даражасини ошириш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари сифатида эътироф этилди.

Миллий қонунчилигимизда суд ҳокимиятининг мустақиллигини кафолатлашга қаратилган нормалар мустаҳкамлаб қўйилган бўлса-да, бироқ суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашнинг замонавий талаблар ва халқаро стандартлар асосида кафолатларини кучайтиришга зарурат сезилмоқда эди. Зеро, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминламай туриб асосий мақсад — одил судловни амалга ошириш, пировардида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашга эришиб бўлмайди. Таъкидлаш жоизки, мазкур Фармонда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашнинг энг илғор, замонавий механизмлари жорий этилиши назарда тутилди. Хусусан, судьялик лавозимига биринчи маротаба беш йил муддатга ва кейин ўн йил муддатга, шундан сўнг муддатсиз даврга тайинланиши (сайланиши) белгиланмоқда. Дарҳақиқат, судьялик лавозимида бўлишнинг ушбу тартиби судьяларнинг мустақиллигини кафолатлаш билан бир қаторда мамлакатимизда профессионал судьялар корпусини шакллантиришга, суд тизимини юқори малакали, одил судлов соҳасида катта тажрибага эга бўлган, мустақил фикрлайдиган, ҳалол ва бенуқсон обрў-эътиборли судьялар билан тўлдиришга хизмат қилади. Зеро, ҳозирги кунда кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш борасидаги муайян муаммолар суд тизимида ҳам мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас.

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашдаги навбатдаги муҳим чора-тадбирлардан бири — 2017 йилнинг 1 апрелидан адлия органларининг умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш соҳасидаги вазифа ва ваколатларининг Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўтказилишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлган ва ҳеч қайси идорага молиявий қарам бўлмаган суд ҳокимиятигина ўз зиммасига юклатилган одил судлов фаолиятини самарали ташкил этиши мумкин бўлади. Ундан ташқари, Фармон билан хўжалик судлари тизимида минтақавий апелляция судларининг ташкил этилиши, фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва хўжалик судларининг ваколатларини қайта кўриб чиқиш йўли билан маъмурий судларнинг ташкил этилиши кабилар ҳам суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга хизмат қилувчи муҳим омиллар ҳисобланади.

**Иккинчидан**, Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати — унда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг муҳим вазифалари белгилаб берилди.

2

**!** **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мазкур соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилади**

Сайлов — 2016

# Ўзбекистон Республикаси Президентлигига

## номзодларнинг ҳуқуқий кафолатлари

**БУГУНГИ КУНДА Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси тобора қизғин паллага кириб бормоқда. Марказий сайлов комиссияси Президентликка номзодларни рўйхатга олди, сайловолди ташвиқоти жараёни бошланди.**

Мамлакатимиз қонунчилигига биноан Президентликка номзодлар ҳуқуқлари кафолатлари, хусусан, сайловолди ташвиқотини олиб бориш ҳуқуқи улар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиш, телевидение кўрсатувлари ва радиоэшиттиришларида қатнашиш вақтида сайловни ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга. Ушбу қоида билан боғлиқ норма Меҳнат кодексининг 165-моддасида ҳам белгиланган.

Президентликка номзод рўйхатга олинганидан кейин Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида давлат йўловчилар транспортининг барча турларида (шаҳар йўловчилар транспортидан, таксидан ва транспорт бошқа турларининг буюртма йўналишларидан ташқари) текинга юриш ҳуқуқига эга бўлади. Шунингдек, у Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори бунга розилик берган тақдирда Марказий сайлов комиссиясини дарҳол хабардор этади. Номзодларга бундай ҳуқуқнинг кафолатланиши уларнинг асоссиз таъқибга олиниши, шунингдек, ноқонуний жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортилишининг олдини олишга қаратилган.

Президентликка номзодни мажбурий келтириш, шунингдек, унинг шахсий буюмларини, юкини, транспортини, тураржой ва хизмат биноларини кўздан кечиришга йўл қўйилмайди. Бу уларнинг дахлсизлигини таъминлашга қаратилган чоралардан ҳисобланиб, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилларига тўла мос келади.

Президентликка номзодларга сайловчилар билан йиғилишларда ҳамда сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилади. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ҳамда жой ҳақида сайловчиларга барвақт хабар қилинади. Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналарнинг, муассасаларнинг, ташкилотларнинг раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материаллари олишда ёрдам кўрсатишлари шарт.

Сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш номзодлар фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Бундай тадбирлар пайтида уларда мазкур ҳудудлардаги мавжуд муаммолар билан яқинроқ танишиш, сайловчилар олдида мавжуд муаммоларга нисбатан ўз муносабатини билдириш имконияти туғилади. Бу сайловчилар учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, сайловчи номзоднинг шахси ва дастури билан яқиндан танишиши, унга ўз саволларини бериши ва уларга жавоблар олиши, умуман, номзод тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлиши мумкин.

Сайлов тўғрисидаги қонунчилигимизга биноан номзод 15 нафарга қадар ишончли вакилларга эга бўлишга ҳақли. Ишончли вакиллар номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам беради, уни Президент этиб сайлаш учун тарғибот олиб боради. Давлат ва жамоат ташкилотлари, сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатини ҳимоя қиладилар.

Миллий сайлов қонунчилигимизда номзодлар ҳуқуқларининг кафолатлари бўйича белгиланган қоидалар халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилларига тўла мос келади. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 1990 йилда қабул қилинган Инсонийлик мезонлари бўйича Копенгаген ҳужжати, Парламентлараро иттифоқ томонидан 1994 йилда қабул қилган Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисидаги декларация, 2002 йилда Венеция комиссияси томонидан қабул қилинган Сайловларга нисбатан раҳбарий принциплар ва бошқа ҳужжатларда ушбу масала атрофлича очиб берилган.

Қонун ҳужжатларида ҳар қандай ҳуқуқ ва кафолатларни турли тажовузлардан қўриқлаш мақсадида жавобгарлик асослари ҳам белгилаб қўйилган. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига кўра, сайловни ўтказишнинг қонунда назарда тутилган қоидалари ҳамда тартибини бузувчи шахслар, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ва Президентликка сайланиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини эркин равишда амалга оширишига зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан қаршилик кўрсатувчи шахслар, шунингдек, сохта сайлов ҳужжатлари тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, овоз бериш яширинлигини бузган ёки ушбу Қонун бошқача тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, давлат ва жамоат органларининг мансабдор шахслари қонунда белгиланган йўсинда жавобгар бўладилар. Номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган сохта маълумотларни эълон қилган ёки бошқа йўсинда тарқатган, сайлов комиссиялари аъзоларига нисбатан ҳақоратомуз муносабатга йўл қўйган шахслар ҳам жавобгарликка тортиладилар.

**“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”**ги Қонуннинг 19-моддасига асосан сайлов комиссиясининг қарори ва ишидан норози бўлиб юқори сайлов комиссиясига, қонунда кўзда тутилган ҳолларда эса судга ариза бериш мумкин. Фуқаролик процессуал кодексининг 272-моддасига асосан сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят суд томонидан шикоят берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай кўриб чиқилиши, агар сайловга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқилиши лозим.

Шикоят суд томонидан аризачини ва тегишли сайлов комиссиясининг вакилини, шунингдек, прокурорни, агар шикоят аризачига эмас, балки бошқа фуқарога дахлдор бўлса, ўша шахсни ҳам чақирган ҳолда кўриб чиқилади. Бу шахсларнинг келмаслиги ишни кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди. Суднинг ҳал қилув қарори чиқарилиши биланоқ дарҳол тегишли сайлов комиссиясига ва аризачига топширилади.

Номзодлар ҳуқуқларини янада кенгроқ ҳимоя қилиш, бунинг учун тегишли кафолатларни яратиш мақсадида 2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг $51^{4}$-моддасида номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузганлик учун, $51^{5}$-моддасида эса номзодлар, сиёсий партиялар тўғрисида ёлғон маълумотларни тарқатганлик учун жавобгарлик белгиланди.

Жиноят кодексида ҳам сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакил ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш учун жавобгарлик белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз сайлов қонунчилигида номзодлар ҳуқуқлари тенг ва адолатли равишда кафолатланган ва бунинг учун етарлича ҳуқуқий асослар яратилган.

**Гулчеҳра МАЛИКОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси профессори**

# Суд ҳокимияти чинакам мустақил бўлади

## Тизим бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланди

**(Давоми. Боши биринчи бетда)**

Хусусан, Фармонга мувофиқ, суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга ва одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига оғишмай амал қилинишини таъминлаш; фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилиш ҳолатлари юзасидан зудлик билан зарур чоралар кўриш; жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқишда сансалорлик ва бефарқ муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жиноий жавобгарликкача бўлган жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек, бузилган ҳуқуқларни тиклаш бўйича барча зарур чораларни кўриш; фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан ҳамкорлик қилишнинг самарали механизмларини кенг қўллаш; фаолиятни иш якунларининг комплекс таҳлили асосида режалаштириш ва ташкил этиш, бунда эътиборни, аввало, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш орқали тизимли қонунбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратиш; ходимлар ўртасида суиистеъмолчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш ва уларга чек қўйиш бўйича идоравий назоратни кучайтириш, одоб-ахлоқ қоидаларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш; юксак ахлоқий-иродавий ва касбий фазилатларга эга, юклатилган вазифалар ва амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарали бажарилишини таъминлашга қодир бўлган кадрларни шаффоф танлов асосида ишга қабул қилиш тизимини такомиллаштириш; фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган илғор илмий-техника воситалари ва ахборот-коммуникация технологияларини, шунингдек, ишни ташкил этишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг муҳим вазифалари сифатида белгиланди.

**Учинчидан**, Фармондаги асосий вазифалар ва янги нормаларнинг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлаш мақсадида суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш борасидаги 8 та энг устувор соҳалар бўйича 45 та аниқ тадбир белгиланган комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Мазкур комплекс чора-тадбирлар дастурига эътибор берадиган бўлсак, унда аниқ вазифалар, ижрочилар ва аниқ муддатлар белгиланган. Бу эса Фармонда белгиланган вазифалар баландпарвоз гаплар эмаслигини, ундаги чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича ҳуқуқий механизмлар аниқ белгиланиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш бўйича аниқ топшириқлар берилганлигини кўриш мумкин.

Дастурда белгиланган чора-тадбирлар мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантиришнинг муҳим энг стратегик ва устувор бўлган соҳаларини тўлиқ қамраб олганлиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Фармон билан жорий этилаётган янгиликлар орқали йиллар давомида бу соҳада тўпланиб қолган муаммоларнинг аниқ ечими кўрсатилган. Масалан, унда маъмурий судлар ташкил этилишининг назарда тутилиши, назорат инстанциясининг ислоҳ этилиши, қамоқ тарзидаги жиноий жазо турининг тугатилиши, суд томонидан жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш институтининг бекор қилиниши, ижтимоий хавфи катта бўлмаган айрим жиноят таркибларини жиноят тоифасидан чиқариш дейсизми, ушбу масалаларга аниқ ечимлар назарда тутилган. Энг муҳими, Фармонда назарда тутилган вазифалар ҳамда комплекс чора-тадбирлар дастурида кўзда тутилаётган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатнинг суд-ҳуқуқ тизими фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш билан бир қаторда, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамлаш имконини беради.

Бир сўз билан айтганда, **“Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ тизими фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиб, келгуси 2017 йилда бу соҳада мисли кўрилмаган даражада улкан ислоҳотлар бўлишидан дарак берувчи Фармон бўлди, десак, муболаға бўлмайди.

**Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи**



**Мазкур Фармон инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.**

# Фармон судья ва суд ходимлари

## зиммасига масъулият ҳам юклайди

**КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 44-моддасига асосан, “ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади”. Ушбу норма Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 8-моддасига мувофиқдир. Зеро, декларацияда: “ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиши ҳуқуқига эга”, — дейилади.**

Одил судловнинг мустақил ва холис суд томонидан амалга оширилиши ғояси демократик ҳуқуқий давлат пойдеворининг тамал тоши ҳисобланади. Шунинг учун ҳам суд ва судьянинг мустақиллиги долзарб аҳамиятга эга. Шу маънода, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1985 йил 29 ноябрда маъқулланган “Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари”ни суд органларининг ўзига хос конституцияси, дейиш мумкин. Зеро, мустақил суд тўғрисидаги талаб ҳар бир инсоннинг ҳуқуқи ҳисобланади ва бу Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10-моддасида мустаҳкамланган.

Ушбу халқаро ҳуқуқ нормасига мувофиқ тарзда “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасида: “Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади” деб белгиланган.

Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикаси Президентининг фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафили сифатидаги ваколатини амалга оширишдан, бу эса, ўз навбатида, суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш бўйича ғамхўрлик қилишни тақозо этишидан келиб чиқади.

Фармоннинг яна бир энг аҳамиятли жиҳати, вилоят хўжалик судларининг қарорларини ўзлари томонидан қайта кўриш ваколатини чеклаш мақсадида ушбу судлар тизимида минтақавий апелляция судларини ташкил этиш назарда тутилаётганлигидир. Бу, албатта, суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини қайта кўриб чиқишнинг амалдаги тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ҳозирда хўжалик судлари икки босқичли тизимдан иборат. Аммо процессуал қонунчиликка кўра, ишлар 3 та инстанцияда, яъни биринчи, апелляция ва кассация инстанцияларида кўриб чиқилади. Вилоят хўжалик судлари ишларни биринчи ва апелляция инстанцияларида, Олий хўжалик суди эса кассация инстанциясида кўриб чиқади.

Суд ҳужжатларининг апелляция инстанциясида текширилиши ишда иштирок этувчи тарафларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати бўлиб, биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган хатоликларни тезкорлик билан бартараф этиш имконини беради.

Табиийки, апелляция инстанцияси самарали ишлаб, қонуний ва асосли қарорлар қабул қилган тақдирда, кассация инстанциясига мурожаатлар сонининг кескин камайишига сабаб бўлади.

Шунга кўра, хўжалик судлари тизимида халқаро стандартларга мос келувчи мустақил минтақавий апелляция судларини ташкил этиш орқали ишларни апелляция тартибида кўриб чиқиш самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Хўжалик судлари тизимида минтақавий апелляция судларининг ташкил этилиши одил судловни янада демократлаштиришга, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга, биринчи ва апелляция инстанциялари судларини ажратиш орқали хўжалик судлари тизимини ва иқтисодиёт соҳасидаги одил судловни такомиллаштиришга, судьянинг ташқи ва тизимдаги таъсирлардан мустақиллигига эришишга хизмат қилади.

Фармондаги асосий вазифалар ва янги нормаларни ҳаётга татбиқ этиш учун суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш борасида 8 та энг устувор соҳа бўйича 45 та аниқ тадбирни амалга оширишни назарда тутувчи Комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Жумладан, унда судья ёрдамчиси лавозимини жорий қилиш назарда тутилди. Дарҳақиқат, аҳоли сонининг ўсиши, судларда кўрилаётган ишлар сонининг йил сайин ортиб бораётгани бир судьяга тўғри келадиган иш нормасини илмий асосланган ҳолда қайта кўриб чиқиш, шунинг асосида судьялик лавозими ёки судьяга кўмаклашувчи ходимлар штат бирликларини кўпайтириш заруратини келтириб чиқарган эди.

Маълумки, судьялик фаолияти ишни судга тайёрлаш, тарафлар, гувоҳлар, жабрланувчи ва процесснинг бошқа иштирокчиларининг суд мажлисида иштирокини ташкил этиш, ишга оид тегишли ҳужжатларни талаб қилиш, экспертизалар тайёрлаш каби кўплаб процессуал ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ. Бундай кенг қамровли ишларни бажариш судьядан маълум вақт ва эътиборни талаб қилади. Шунинг учун техник ва ташкилий характерга эга бўлган бундай вазифалар билан шуғулланувчи кўплаб ривожланган давлатлар суд тизимида мавжуд бўлган судья ёрдамчиси штат бирлигининг жорий этилиши айни муддаодир.

Судья ёрдамчиси лавозими юқоридаги вазифаларни ҳал этиш билан бирга суд тизими олдида турган яна бир муҳим масала — профессионал жиҳатдан етук судьялар захирасини шакллантиришнинг энг асосий манбаи бўлади.

Юқоридагилардан шу нарса аёнки, суд-ҳуқуқ соҳасида кўрилаётган амалий чора-тадбирлар, энг аввало, судья ва суд ходимлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, суд-ҳуқуқ тизимида жорий этилаётган янгиланиш ва ўзгаришларнинг муваффақиятли амалга оширилиши, одил судлов сифати ва самарадорлигини таъминлаш, одамларнинг ишончини қозониш, бир сўз билан айтганда, судья кадрларнинг салоҳияти, билими ва уларнинг зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу дастурий ҳужжатнинг амалга оширилиши мамлакатнинг суд-ҳуқуқ тизими фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш имконини беради.

**Шербек НАЗАРОВ,**
**Олий хўжалик суди ходими**

# Кўплаб муаммолар ўз ечимини топади

**УШБУ Фармонда 2017 йил 1 апрелдан кучга кириши белгиланган суд-ҳуқуқ тизимида бир нечта ўзгартиришларни кўришимиз мумкин.**

**Биринчидан**, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллашни кенгайтириш орқали қамоқ тариқасидаги жиноий жазо тугатилиши белгиланган.

Миллий қонунчилигимизда келтирилишича, қамоқ жазоси 6 ойдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади. Лекин ҳозирги кунда кўплаб ривожланган давлатлар фуқароларга қамоқ жазоси ўрнига муқобил жазо турларини тайинлаш турига ўтиб бормоқда, масалан, “жарима” солиш тури қамоқ жазоси ўрнига муқобил вариантга ўтилишида, албатта, инсонпарварлик принципи юзасидан амалга оширилаётганига гувоҳ бўламиз. Пенализация сиёсати билан шуғулланувчи мутахассисларнинг аниқлашича, қамоқда сақланаётган ҳар бир шахсга бир кун учун ўртача 50-70 минг сўм миқдорида чиқим сарф қилинар экан. Ҳозирги кунда бизга аёнки, суд томонидан жаримага тортилаётган шахслар жаримани бошқа жазо тури, айниқса, қамоқ жазосига айлантиришини сўраш ҳоллари кўп учрамоқда, (бу ҳолатда қамоқ жазосини танлаш энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача тўлашдан озод этади) бунда улар молиявий шароити жаримани кўтара олмаслигини важ қилмоқдалар. Маъмурий қамоқ жазосининг тугатилиши мазкур муаммога чиндан ҳам ечим бўлиши кутилмоқда.

**Иккинчидан**, жиноятни содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга қисқартиришни назарда тутади.

Бунда фуқаронинг эркинлик ҳуқуқини инобатга олган ҳолда, терговчилардан тезкорлик билан гумондор, назарда тутилаётган ишга алоқаси бор ёки йўқлигини аниқлаш учунгина ушлаб турилиши мумкин. Агарда гумон қилинаётган шахсни кўрилаётган ишга алоқадорлиги аниқлай олинмаса, гумондорни қўйиб юборишни назарда тутади. Албатта, бунда терговчилардан юксак маҳорат талаб қилинади. Қолаверса, ушбу ўзгариш тергов механизмини кучайтиришга замин яратади.

Қолаверса, ушбу Фармонда қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек, дастлабки терговнинг энг кўп муддати 1 йилдан 7 ойга қисқартирилиши, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш учун санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши, судларга қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилганда муқобил эҳтиёт чораларини қўллаш ҳуқуқи берилиши, вилоят даражасидаги судлар томонидан жиноят ва фуқаролик ишларини назорат тартибида кўриб чиқиш институти тугатилиб, тегишли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибида протест келтириш бўйича ваколатлари бекор қилиниши, адлия органларининг умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш соҳасидаги вазифа ва ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўтказилиши шубҳасизки, мамлакатимизда “Хабеас корпус” институтининг янада ривожланишига катта ҳисса қўшади, десак, муболаға бўлмайди.

Фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва хўжалик судларининг ваколатларини қайта кўриб чиқиш йўли билан маъмурий судларнинг ташкил этилиши, судларни ихтисослаштириш орқали мамлакатимизда одил судлов тизимини шакллантиришга, судьяларнинг фаолияти давомида профессионал даражада ёндашишига, судлов ишларида адашмасликка, одилона қарор чиқаришга олиб келади.

Юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришга оид ислоҳотлар нафақат миллий давлатчилигимизнинг тарихий тажрибаси ва миллий қадриятларимиз, шу билан бирга, халқаро ҳуқуқий меъёрларга ҳамоҳанг тарзда амалга оширилаётир. Мазкур Фармон ҳам инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**Нилуфар ПАРДАЕВА,**
**Юристлар малакасини ошириш маркази тингловчиси,**
**Маъруфшох АБИДШАЕВ,**
**Тошкент давлат юридик университети 2-босқич талабаси**

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

# Сенга кўз тегмасин, Она Ватаним!

## Мактабдан келаётган фарзандларимизни кўриб дилимдан кечганлари...

Биз боболаримиз замонида бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалардан камида бир аср олисда турибмиз. Ана шу масофадан туриб, уларнинг бу ҳаракатларини баҳолайдиган бўлсак, айтиш жоиз, улар мустақил давлат, мустақил Ватан йўлида курашган эди.

1991 йил 1 сентябрь... 2016 йил 1 сентябрь. Халқимиз мустақиллигимизнинг 25 йиллик тўйини нишонлади. Ушбу вақт бир йигит ёшига тенг. Йигирма бешга кирган йигит ё қиз айни камолот палласида. Етуклик сари дадил қадам қўйган ушбу ёшдаги қўшнимиз ё қариндошимизнинг онгу тафаккуридаги янгиланишлар, унинг мулоҳазалари ҳавасимизни келтиради. Чунки у тадбиркорликнинг қайсидир йўналишида иш бошлаган, ё бўлмаса янги оила мустаҳкамлиги, янги қувончлар учун астойдил бел боғлаган, ўзаро меҳр-муҳаббатдан, эътибордан кўнгиллари тўқ. Гоҳ шукр, гоҳ фикр қилиб яшашга ўрганган халқимиз шукрона қилмоғи учун шу далилнинг ўзи кифоя.

Яхшиямки, одамда онг бор, туйғу бор. Шу туйғу сабаб дунё яхшилар билан, эътиборлар билан, қиёслар билан турфа рангларда жилоланиб туради. Дунёнинг кеча ва бугуни кўз олдимизда намоён бўлаверади. Унинг нимаси кўп — оқ ва қораси, катта-кичиги, яхши-ёмони, кеча ва бугуни кўп. Ана шу сифатларнинг "кеча ва бугуни" инсонни хотирлашга ва шунинг асносида турфа мулоҳазаларга ундайди. Ахир "кеча" ўрнида "бугун" бор эди. Эртага "бугун" ўрнини "кеча" эгаллайди.

Агар кечаги биринчи синф ўқувчиларига эмас, бугунги биринчи синфларга Президент совғаси берилаётган бўлса, бунга ҳайрон қолмаймиз. Хурсанд бўламиз. Укангиз ёки ўша фарзандингиз ҳам мамнун юради. Лекин...

Лекин бугунги биринчи синф ўқувчиси ҳайрон қолади. Нега тоғамнинг ё дадамнинг, аям ёки аммамнинг биринчи синфлигида ҳеч ким совға бермаган?! У ана шу саволлар гирдобида қолади. Бироқ бунга у тезда жавоб олади. Кимдан? Ўқитувчисидан! Қайси дарсда? Мустақиллик дарсида! Ўқитувчиси айтадики, "Ўқувчиларим, болаларим! Сизлар мустақил юрт фарзандларисиз. Биз озод юртда яшаяпмиз. Давлатимиз раҳбари сизларни жуда яхши кўрганидан, ҳар бирингизни ўз фарзандидай билганидан барчангизга совға берди."



Тўғриси, мактаб остонасига эндигина қадам қўяётган жажжи ўқувчиларимизга бундай совға берилмаганда, у ҳақда ёзмаган, ўйламаган бўлардим. Дунёнинг турфа ранг жилоланишларидан сал кечикиброқ бохабар бўлардим. Йўқса, мен ишга келаётиб ҳар куни эрталаб кўчанинг бошида тургувчи нуроний отахонни бугун хурсанд, шодон ҳолда кўрмасдим. Ёхуд унга салом бериб ўтаётган йўловчининг "Ҳа, отахон, бугун хурсандсиз?" деган саволомуз гапига отахоннинг: "Бугун неварам биринчи синфга борди. Жуда хурсанд бўлиб қайтди. Президент совғасини олибди", дея жавоб берганларини эшитмаган бўлардим. Шу совға берилмаганда, кулоққа чалинган гапдан кейинги ёқимли ҳолат менга насиб қилмаган бўларди. Ўйладимки, отахон неварасининг мактабга борганидан бир хурсанд бўлса, унга совға берилганидан яна хурсанд. Энг муҳими эса неварасининг хурсандлигидан хурсанд. Ўйладимки, отахоннинг кўнглидан нелар кечмади: "Эҳ, бизнинг давримизда бундай нарсалар йўқ эди. Уруш эди. Очарчилик эди. Демак, Мустақиллик энг азиз неъмат экан, нондай қадрли экан..."

Ўтган йили, яъни Алишер Навоий номидаги Миллий боғда мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллик байрамига бағишланган тантанада Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг ёшлар тўғрисида алоҳида тўхталиб айтган гаплари барчамизни бирдек қувонтирган эди:

**"Юртимизда ҳар йили 600 мингдан кўпроқ замон талабига жавоб берадиган ёш мутахассислар — камида икки-учта касб-ҳунарни, чет тилларни, интернет ва ахборот технологияларини, замонавий билим чўққиларини эгаллаган, ривожланган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашувга тайёр бўлган, кўзи ёниб турган йигит-қизларимиз бугун жамиятимизнинг ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучига айланиб, ҳаётга кирмоқда. Бизнинг энг катта суянчимиз ва таянчимиз бўлмиш ана шундай ёшларга, ана шундай бекиёс салоҳиятга эга бўлган халқни ҳеч қачон ўз йўлидан қайтариб, енгиб бўлмайди. Бунга барчамизнинг ишончимиз комил."**

Бугуннинг ёшларига ҳавас қилса арзийди. Чунки уларда имконият кўп. Бу имкониятларни рўёбга чиқариш учун уларга ғамхўрлик кўрсатиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Зеро, Ўзбекистон чуқур ислоҳотлар даврида яшар экан, ўз истиқболини етишиб келаётган ёш авлод тимсолида кўради. Бугунги ёшларнинг онги шўро тузуми ғоялари билан заҳарланмаган. Демакки, давлатимиз ёшларни, ўз келажагини ҳимоя қилмоқда. Мақсад эса битта — мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бобо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс — комил инсонни тарбиялаш.

Бугун ким бўлиб оёққа турганимизни, бугун қандай фаровонликда яшаётганимизни шу бир-икки далил айтиб турибди. Тинчлигимизни, фаровонлигимизни ёмон кўзлардан асрасин. Оламнинг жаннати — Ўзбекистоним, Сенга кўз тегмасин!

**Шоди ОТАМУРОД,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

*"Юртимизда ҳар йили 600 мингдан кўпроқ замон талабига жавоб берадиган ёш мутахассислар — камида икки-учта касб-ҳунарни, чет тилларни, интернет ва ахборот технологияларини, замонавий билим чўққиларини эгаллаган, ривожланган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашувга тайёр бўлган, кўзи ёниб турган йигит-қизларимиз бугун жамиятимизнинг ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучига айланиб, ҳаётга кирмоқда. Бизнинг энг катта суянчимиз ва таянчимиз бўлмиш ана шундай ёшларга, ана шундай бекиёс салоҳиятга эга бўлган халқни ҳеч қачон ўз йўлидан қайтариб, енгиб бўлмайди. Бунга барчамизнинг ишончимиз комил."*

# Тадбиркорга қанот, тараққиётга йўл



**Иброҳимжон СУЛТОНОВ,**
**Қўштепа туманидаги "Исмоилжон гиламлари" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари**

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Маълумки, молиявий қўллаб-қувватлаш тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан биридир. Шу боис Фармонда мутасадди идоралар зиммасига банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, давлат органлари томонидан тижорат банклари фаолиятига, биринчи навбатда, кредит сиёсатига маъмурий аралашувларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик, банкнинг самарали фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилувчи ғовларни тугатиш, шунингдек, мижозларнинг ўз пул маблағларини эркин тасарруф этиш ҳуқуқи тўлиқ рўёбга чиқарилишини таъминлаш вазифаси ҳам юклатилди. Аниқроқ айтганда, "мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" тамойили тўлиқ ўз ифодасини топадиган бўлди.

Шу ўринда хусусий корхонамиз фаолиятига қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Бизнинг "Исмоилжон гиламлари" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси 2005 йилда ташкил этилган. Айни пайтда 160 нафарга яқин киши доимий иш билан таъминланган корхонамизда табиий ипакдан турли ўлчам ва безакдаги гиламлар, атлас ҳамда адрас матолар ишлаб чиқариляпти. Ишчиларимизнинг 80 фоизи касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир. Ҳозир асосий маҳсулотимиз бўлган гиламлар буюртмага мувофиқ Туркия давлатига экспорт қилинмоқда. Шу боис юқоридаги Фармонда экспорт салоҳиятини ўстиришни таъминлаш вазифаси ҳам акс этгани бизни жуда қувонтирди.

Хулоса ўрнида айтганда, бугун тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши учун яратилган шарт-шароитлар энг улуғ, энг азиз неъматимиз — истиқлолнинг мевасидир.

**Тадбиркорга тўсиқ йўқ**

# Ишимиз аниқ, ҳаракатимиз самарали бўлсин!



**"ТАДБИРКОРЛИК фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**-ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши тадбиркорлик субъектларига янада қулайлик яратди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2015 йил 15 майдаги **"Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони ёшларни тадбиркорликка жалб этиш ва имтиёзлар бериш учун асосий норматив ҳужжат, десак, муболаға бўлмайди.

Мазкур Фармоннинг 5-бандида 2015 йилнинг 1 июлидан бошлаб якка тартибдаги тадбиркорлар касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга ёллаган ҳолатда коллежни битиргандан бошлаб ўн икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун белгиланган соликдан озод этилиши белгиланган.

Якка тартибдаги тадбиркорларга фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида суғурта бадали ва якка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдорида солиқ тўлаш шарти билан бир нафардан уч нафаргача ишчини ёллаш ҳуқуқи белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2011 йил 23 августдаги Қарори билан тасдиқланган **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида"**ги Низомга асосан Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларига назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлигини назорат қилиш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларнинг молия-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашишларга, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш соҳасида маъмурий тўсиқ ва ғовларнинг олдини олиш юзасидан назорат қилиш вазифаси юклатилган.

Андижон вилоят адлия бошқармасининг тадбиркорлик субъектлари ва хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлимига 2016 йил 3-чораги давомида тадбиркорлик субъектларидан 94 та ариза ва шикоят (шундан 11 таси ҳукумат портали орқали) келиб тушган бўлиб, 26 та мурожаат ижроси юзасидан бевосита жойига чиқиб ўрганилиб, натижасига кўра 47 та мурожаат ижроси тўлиқ қаноатлантирилиб, ўрганиш натижаси юзасидан 10 та тақдимнома киритилиб, 10 нафар масъул шахсга интизомий жазо қўлланилди. 1 нафар масъул шахс эгаллаб турган вазифасидан озод қилинди. Судларга 10 та 585 миллион 662 минг сўмлик даъво ариза киритилиб қаноатлантирилди.

Жумладан, Пахтаобод туманида фаолият юритаётган "Норуда шағал қазувчи" МЧЖ раҳбари А.Рахимовнинг аризасини ўрганиш натижаси юзасидан Андижон вилоят хўжалик судига "Балиқчи ТЙХПТФК" корхонасидан 35.986.804 сўм асосий қарз ва 17.993.402 сўм пеня ундириш ҳақида даъво ариза киритилиб, суднинг ҳал қилув қарорига асосан "Балиқчи ТЙХПТФК" корхонасидан 18.746.144 сўм ундириш кўрсатилиб, даъво қаноатлантирилди.

Шунингдек, Андижон шаҳрида фаолият юритаётган "Стандарт темир бетон маҳсулотлари" МЧЖ раҳбари Қ.Хасановнинг аризасини ўрганиш натижаси юзасидан Андижон вилоят хўжалик судига Андижон ҳудудий электр корхоналари АЖ 164.055.852 сўм асосий қарз ва 72.894.658 сўм пеня ундириш ҳақида даъво ариза киритилди.

Бундан ташқари, бошқарма томонидан Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги Қарори ижросидан келиб чиқиб, 2016 йил 3-чорак давомида "Ягона дарча" марказларига тадбиркорлик субъектларидан келиб тушаётган мурожаатлар хизмат кўрсатувчи давлат идоралари томонидан рад этилган ва мурожаатларнинг кўриб чиқиш муддати бузилиши аҳволи мунтазам равишда таҳлил қилинмоқда.

Таҳлилда 61 та муддат бузилиш ва 66 та рад қилиш ҳолатлари аниқланиб, аниқланган қонунбузилишлар юзасидан жами 93 та тақдимнома киритилди. 130 нафар мансабдор шахсга нисбатан интизомий жазо чоралари кўрилди.

**Нодир ТЎРАХАНОВ,**
**Андижон вилоят адлия бошқармаси масъул ходими**

# Соғлом бола тарбиялаш — узлуксиз жараён

ЎЗБЕК халқининг барча орзу-ҳаваслари, ҳаётининг мазмуни фарзандлари билан боғлиқ. Юртимиздаги исталган одамдан энг олий мақсадингиз нима, деб сўранг, шубҳа йўққи, болаларимнинг бахту саодатини, камолини кўриш, деб жавоб беради.

Ўтган давр мобайнида бевосита соҳага доир бир қанча қонунлар ҳаётга татбиқ этилди, улардан бир қанчасига замон талабидан келиб чиқиб, ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани бугунги кунда юртимизда фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилганини амалда кўрсатиб турибди.

Жорий йилимиз ҳам ўзига хос маънога, ўз салоҳияти ва кўзлаган эзгу мақсадига эга. Жорий йилнинг **"Соғлом она ва бола йили"**, деб номланиши, шу муносабат билан Давлат дастури қабул қилинганлиги ва бу борадаги қонунчиликни замон талабларига уйғун равишда такомиллаштириш масаласига эътибор қаратилаётгани ҳам юртимизда **"Соғлом фарзанд соғлом ва мустаҳкам оилада камол топади"**, деган ҳаётий ҳақиқатнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини яна бир карра исботлаб берди.

Давлат дастурида **"Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади"**, деган ҳаётбахш шарқона қадрият ва эзгу ғояни ҳар бир инсон онгига сингдириш, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, жамиятда оналарга алоҳида ҳурмат-эҳтиром муҳитини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш, оила институтини мустаҳкамлашда давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар белгилаб олинган.

Энг муҳими, "Соғлом она — соғлом бола", деган ҳаётбахш ғоя ҳар бир юртдошимизнинг қалбига чуқур кириб бормоқда. Ана шу улуғ ишга муносиб ҳисса қўшиш миллий ғурури, ифтихори, фарзандлар камолини кўришни истаган барча-барчанинг муқаддас вазифасига айланиб бормоқда.

Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатининг яхшиланиши халқимиз ҳаёт даражаси янада кўтарилишига олиб келди. Истиқлол йилларида аёлларнинг умр кўриш давомийлиги 67 ёшдан 75 ёшга узайгани, оналар ўлими 3,1 баробар, болалар ўлими 3,2 баробар камайгани, нуфузли халқаро ташкилот — "Save the Children" ("Болаларни асрайлик") томонидан тузилган жаҳон рейтингида Ўзбекистон ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган давлатлар ўнталигига киргани бунинг ёрқин далилидир.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, таълим тизимини такомиллаштириш, болалар спортини ривожлантириш каби соҳалардаги изчил ислоҳотлар бир-бирини тўлдириб, узвий тизим шаклини олди. Бугун замонавий тиббий марказлар, таълим муассасалари, спорт иншоотлари ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда. Албатта, ҳар қандай жамият соғлом ва баркамол, эл-юртига садоқатли, иймон-эътиқодли фарзандлари билан фахрланади, уларга суянади.

**Феруза ҲИДОЯТОВА,**
**Шайхонтоҳур туман 2-сон давлат нотариал идораси катта нотариуси**

**Ҳаёт чорраҳаларида**

# Эшитганингизга эмас кўрганингизга ишонинг

САЛИМА эндигина 18 ёшга тўлган. Ўқишга кира олмагач, қўшниси Муниса каби хорижга бориб ишлаб келишни режалаштирди. Ота-онаси эса унга қаттиқ қаршилик кўрсатди. Орадан анча вақт ўтгач, Салима яна эски режасини туза бошлади. Қандай қилиб бўлмасин, ота-онасини кўндириши керак. Уйда бекор ўтиргандан кўра, ишлаб пул топсам, дунё кўрсам ёмонми, деб ўйлади у ичида.

— Дада, шу ойда мен Мунисанинг ёнига боришим керак. У менга яхши иш тайёрлаб қўйган. Ойлиги ҳам кўп экан.

— Қизим, пул-пул дейсан. Қора қозонимиз қайнаб турган бўлса. Эгнинг бут. Ундан кўра ўқишга киришга тайёрлансанг бўлмайдими? Бунақа хаёлларни миянгдан чиқаргинда, тестларга тайёрлан. Борадиган давлатингнинг тилини ҳам билмайсан. Одамларини ҳам танимайсан. Ҳамма сендек содда эмас, қизим. Қўлингга диплом олсанг, ишлашга ҳам улгурасан, деди ота куюниб.

Салима ўз билганидан қолмади, кечқурун Муниса билан телефонда гаплашди. Муниса унга пул юборишини, билетларни сотиб олишга ҳам одами борлигини айтди. Хорижга кетгандан кейин уйига кўп пул юборса, ота-онаси уни тўғри йўл тутганини тушуниб қолишларини айтиб, қўйнини пуч ваъдаларга тўлдирди.

Қиз ҳавойи ваъдалардан суюниб, кийимларини яширинча йиғиштира бошлади.

Орадан бир ҳафта ўтгач, маҳаллада Муниса Зиёдованинг қўлга тушганлиги дув-дув гап бўлди. Яхшиямки, Салима хорижга кетишга улгурмаганди. Бироқ йўлдан адашиб қолганлар қанча...

Бугунги кунга келиб, халқаро терроризм, наркотраффик ва одам савдоси сингари трансмиллий жиноятларнинг инсон хавфсизлигига хавф солаётганлиги боис, улардан жабр чекаётганлар, афсуски, кўпчиликни ташкил этмоқда. Айниқса, одам савдоси инсон ҳаёти, эркинлиги ва ҳуқуқларини поймол қилиб, унинг эрки, тақдири ва келажагини оёқости қилиши билан нақадар жирканч кўринишга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Юқоридаги ҳикоямиз қаҳрамони ҳам орзу-ҳавасларга берилган, енгилнинг этагидан тутиб, мўмай даромад олмоқчи бўлган қизнинг алданишига бир баҳя қолган эди. Унинг кейинги тақдири нима билан тугаши барчамизга аён. Шу сабабли умримизни гўзал онлар билан тўлдириб, унга молу давлат билан эмас, балки маънавият билан зийнат берайлик.

**Эсаной ЭРГАШЕВА,**
**Нуробод туман ФҲДЁ бўлими инспектори**

